

ПУДРАТ ШАРТНОМА № 6

Риштон т.

2022 йил "03" "08" "

Риштон Халк таълим булими Буюртмачи деб юритувчи номидан мудир Ш.Мадаминов биринчи томондан, «Amirobod Qurilish 2021» МЧЖ "Пудратчи" деб юритувчи, уни бошлиги М.Мамажонов иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартнома туздилар,

**1. Шартнома предмети**

1,1 Пудратчи уз зиммасига Буюртмачининг топширига кура уз материаллари ёки Буюртмачининг материалларидан фойдаланиб Халк таълими булимга карашли 2-иктисослаштирилган давлат умумтаълим мактабни мукамал таъмирлаш ишларини 25 кун муддат ичида бажаришни, буюртмачи эса бу ишларни кабул килиб олиш ва уларга хак тўлаш мажбуриятини олади.

**2. Шартнома бахоси**

2,1 Шартнома бахоси ККС ни хисобга олган холда **785 000 000** (етти юз саксон беш миллион ) сўмни ташкил килади.

2,2 Шартнома бахоси уз ичга лойиха смета хужжатларида курсатилган ишларни бажаришни олади.

**3. Тулов шартлари**

3,1 Бажариладиган ишлар кийматининг 30 фоизи микдорида БУЮРТМАЧИ томонидан олдиндан ПУДРАТЧИ хисоб-ракамига хак утказиб берилади,

3,2 Бажарилган таъмирлаш ишлари пудрачи томонидан белгиланган тартибда тегишли курилиш меъёрларига риоя килган холда калькуляция асосан бажарилган курулиш монтаж ишларига хисоб-китоб маълумотномаси такдим этилади,

3,3 Шартнома бўйича охирги хисоб-китоб иш тўлик тамомлангандан кейин буюртмачи томонидан амалга оширилади,

**4. Мажбуриятларни бажариш муддатлари,**

4,1 Пудратчи ушбу шартноманинг 1- булимида назарда тутилган ишларни белгиланган муддатда бажаради,

4,2 Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишларни кабул килиб олиш унга ўз муддатида хак тўлаш мажбуриятини олади,

4,3 Шартномани амалда бажариш муддати: **31.12.2022 й**

**5. Тарафларнинг мажбуриятлари**

**5,1 Пудратчи**

5,1,1 Ўз кучи ва воситаси билан календар иш режасида назарда тутилган барча ишларни тўла хажмда ва муддатда бажариши ва тегишли лойиха хужжатларида кўрсатилган холатда ишларни буюртмачига топширади,

5,1,2 Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни ,конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни кабул килиш, тушириш, тахлаш ҳамда саклашни амалга ошириши:

5,1,3 Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб килинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларни тузгани тўғрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томонидан ишларини бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши,

5,1,4 Техника ,хавфсизлиги ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора тадбирларни бажарилишини таъминлаш:

**5,2 Буюртмачи**

5,2,1 Календар иш режасида белгиланган хажмда ва объектни кўриклаш бўйича пудратчига топшириши:

5,2,2 Ушбу шартномани биринчи бўлимида назарда тутилган ишларга шартномада белгиланмаган микдорда ва муддатда пудратчига хак тўлаши: хар ойнинг унингчи санасига кадар

5,2,3 Пудратчидан ёзма хабарнома олган санадан бошлаб икки хафта ичида кабул килиш шарт.



## **6. Тарафларнинг жавобгарлиги :**

- 6,1 Буюртмачи бажарилган пудрат ишлари махсус комиссия томонидан қабул қилингандан бошлаб, бир ойгача ҳақни тўлаб бермасга кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,4 % пеня тулайди ,
- 6,2 Пудратчи шартнома шартларини бузса белгиланган муддатда пудратчи ишларни тугатмасга , кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,5% пеня тулайди:
- 6,3 Жами томонлардан ундирилган пеня суммаси низоли суммасининг 50% ошмаслиги лозим.

## **7. Форс-мажор ҳолатлар,**

- 7,1 Тарафларни бирортаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу шартнома бўйича олган мажбуриятларини тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо булган уларни олдиндан кўра булиши ёки бартараф этиши мумкин бўлмаган ва ҳолатлар, Бизга кўшиб уруш эълон қилиниши ёки амалда бошланганлиги , фуқаролик тартибсизлиги, вабо тарқалиши, блокада, эмбарго, ер кимирлаши, сув босиши, ёнгин ва бошқа табиий офатлар билан боғлиқ ҳолда бажармаганликлари учун жавобгар булмайдилар,
- 7,2 Бартараф қилиб бўлмайдиган кучларни мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлиги Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг шунга оид ёки бошқа ваколатли органлар томондан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи булиб ҳисобланади,
- 7,3 Ўз мажбуриятларини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим,
- 7,4 Агар бартараф қилиб бўлмайдиган кучлар уч ой давомида мунтазам таъсир этаётган бўлса ва тугаш белгилари аниқланмаса, буюртмачи ва пудратчилар бошқа тарафга хабар бериш йўли билан ушбу шартнома бекор қилиниши мумкин,

## **КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

- 8.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши курашиш мажбуриятини оладилар меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочиш керак. Томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини қафолатлайди.
- 8.2 Коррупсияга қарши кураш қоидалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туғилганлиги тўғрисида томонлар дарҳол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бир-бирларини шахсан (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони орқали хабардор қилиш мажбурияти олади Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.
- 8.3 Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупсия хавфини белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупсия ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишга ёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли
- 8.4 Сотиб олувчига етказиб берилган махсулот учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда ҳисоб-варақни
- Расмийлаштириш санаси Сотиб олувчи томонидан товарларни қабул қилиш куни ҳисобланади.
- 8.5 Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган воқеа содир булган кундан бошлаб ҳисобланади.

## **8. Низоларни ҳал этиш тартиби**

- 8.6 Тарафлар ўртасида ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ пайдо бўладиган барча низолар ёки келишмовчиликлар тарафлар ўртасида музокара йўли билан ҳал қилинади.
- 8.7 Агар келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилиб бўлмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судида қурилишга тегишли бўлади.



## 9. Шартномага кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тартиби

9.1 Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган кўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб ҳар иккала тараф имзолаган ҳоллардагина ҳақиқий кучга эга бўлади.

9.2 Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича етказилган зарарларни қоплаш амалга оширилиши мумкин.

9.3 Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли.

-Пудратчининг айби билан ишларнинг тамом бўлиш натижасида лойихада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда

9.4 Пудратчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш монтаж ишларининг бориши бир ойдан ошадиган муддатда тўхтатиб турганда:

-Буюртмачи томонидан лойиха ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиши билан боғлиқ ҳолда ишларнинг баҳоси 20 фоиздан камайганда:

-Буюртмачи томонидан кейичалик таъмирлаш ишларни молиялаштириш имконияти йўқотилганда:

9.5 Буюртмаси ва Пудратчининг Биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда ,буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади .Буюртмачи эса Пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажмини қийматини тўлайди.

9.6 Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 10 Бошқа шартлар

10.1 Объектлар ва унга қирувчи инженерлик тизимлари ,жихозлар материаллар ҳамда ишларнинг меъёрида ишлаш ишлашига қаролатилганда муддати унинг учинчи шахслар тарафидан қўзланган ниятда шикаст етказган ҳолларда бундан истисно қилинади, объектни қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тарафлар имзоланган вақтдан бошлаб бир ой давомида белгиланади

10.2 Объектни ёпишга қаролатилган муддат 30 кун.

10.3 Агар объектнинг қаролатилган фойдаланиш давомида ундан меъёрида фойдаланишга йўл бермайдиган камчиликлари аниқланса қаролат муддати улар бартараф қилгунча қадар бўлган вақтгача узайтирилади

10.4 Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларнинг бартараф қилиш муддатлари пудратчи ва буюртмачининг икки томонлама далолатномасида акс эттирилади.

10.5 Агар пудратчи аниқланган камчиликлар далолатномасида кўрсатилган муддат ичида бажарилган ишларнинг бунга жихозларни ҳам қўшиб, камчиликларни бартараф қилмаса уларнинг буюртмачи бошқа бажарувчининг қучи билан харажатларни пудратчи тўлаши орқали бартараф қилишга ҳақли.

10.6 Пудратчи аниқланган камчиликлар тасдиқлаш иш далолатномасини тузиш ё имзолаш бош торгганда буюртмачи малака экспертизасини тайинланади экспертиза камчиликлар ва уларни тусларини акс эттириш бўйича тегишли далолатнома тузса истисно

10.7 Пудратчи қурилиш объектнинг лойиха ҳужжатларини ёки унинг айрим қисмларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз бирорга учинчи шахсларга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга эмас .

10.8 Пудратчининг айби билан объектни қуриш натижасида учинчи шахсларга етказилган зарар ,Пудратчи томонидан,буюртмачининг айби билан бўлса, буюртмачи томонидан товоқ тўланади. Пудратчи барча ҳолларда тегишли харажатларни Буюртмачи қоплаган тақдирда ҳам етказилган зарарни тугатиш учун тезкор чораларни қўради.

10.9 Ушбу шартнома бир хил юридик қучга бўлган эга бўлган, икки нусхада тузилган

10.10 Тарафларнинг хоҳишлари бўйича бошқа шартлар .

10.11



**“ БУЮРТМАЧИ “**

Риштон туман Халқ таълим бўлими  
Манзил: Риштон ш. Рошидоний, 14 уй  
ОКОНХ: \_\_\_\_\_  
ИНН: 200181783  
ШХ/Р: 401722860302247092100075019  
Молия Вазирлиги Газначилиги  
Тошкент шаҳар Марказий банки  
МФО: 00014

Мудир в.в.б.  Ш. Мадаминов.



**“ ПУДРАТЧИ”**

«Amirobod Qurilish 2021» МЧЖ  
Манзил; Риштон т. Амиробод МФЙ Амир  
обод кучаси  
х/р: 20208000105323271001  
ОКОНХ: 43990 ИНН: 308051517  
МФО: 01151  
Банк: Универсал банк Бувайда филиали

Рахбар  М.Мамажонов.





**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA  
HUQUQIY XULOSA**

**№ SH7506308423**

1. Loyihaning turi: ShARTNOMA № 6

2. Loyihani  
ng nomi: **PUDRAT SHARTNOMASI**

Umumiy summasi 785 000 000 (etti yuz sakson besh million ) so'm bo'lgan Xalq ta'limi bo'limga qarashli 2-iqtisoslashirilgan davlat umumta'lim maktabni mukammal ta'mirlash yuzasidan «Amirobod Qurilish 2021» MCHJ "Pudratchi" deb yurituvchi, uni boshligi M.Mamajonov va Rishton Xalk ta'lim bulimi Buyurtmachi deb yurituvchi nomidan mudiri Sh.Madaminovlar o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi «Amirobod Qurilish 2021» MCHJ tomonidan ishlab chiqilgan va Rishton tuman Xalq ta'limi bo'lim tomonidan markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 01.08.2022 yilda kiritgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

**XULOSA:**

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida" gi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Markaz bosh yuriskonsulti



D.R.Aliboyev



«Тасдиқлайман»  
Риштон тумани Халқ таълими  
бўлими мудирини



Ш. Мадаминов

“03” 08 2022 й.

**1. Кун тартибидаги масала:** Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли **2-ИДУМ** биносини **Мукамал таъмирлаш учун ўтказилган электрон танлов** тўғрисида.

**БАЁНИ № 1**

Комиссия раиси:  
Комиссия аъзолари:

Ш. Мадаминов  
А. Хонкулов  
Ж. Якубов  
Б. Акбаров  
Д. Курбонова

Кун тартибидаги масала.

Йиғилишда Риштон тумани Халқ таълими бўлими мудирини Ш. Мадаминов сўз очиб, Риштон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли **2-ИДУМ биносини Мукамал таъмирлаш учун ўтказилган электрон танлов** у Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлис баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайъати:

**Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш  
қарор қилади:**





1. Муҳокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб, "**АМИРОБОД ҚУРИЛИШ 2021**» МЧЖ" ни йиғилиш хайъати қолиб деб эълон қилсин.



2. Ғолиб деб топилган қатнашчи " АМИРОБОД КУРИЛИШ 2021 » " МЧЖ билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия аъзолари:

 А. Хонқулов  
 Ж. Якубов  
 Б. Акбаров  
 Д. Курбонова